



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 03 | pp. 347-352 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА ИМПОРТНИ ҚИСҚАРТИШДА САУДИЯ АРАБИСТОННИНГ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАЖРИБАСИГА СОЛИШТИРИШ



Умурзаков Жамолиддин Шербекович

Иқтисодиёт фанлари доктори

Султанова Шахло Акбаровна

ТДИУ “Яшил иқтисодиёт”

кафедраси мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада Саудия Арабистондаги ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шу жумладан мамлакат иқтисодиётини диверсификация қилиш ва саноатни ривожлантириш мақсадида маҳаллий контентни ошириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси кўриб чиқилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистонида маҳаллийлаштириш жараёнлари ва харидлар тизими таққосланади.

Калит сўзлар: Маҳаллийлаштириш, импортни қисқартириш, ишлаб чиқариш, тармоқ, дастур, Саудия Арабистони.

Аннотация: В статье рассматривается опыт Саудовской Аравии в углублении локализации производства, в том числе развитие и поддержка местного контента с целью диверсификации экономики и продвижения промышленности страны. Также сравнивается процессы локализации и системы закупок в Республике Узбекистан и Саудовской Аравии

Ключевые слова: локализация, импортозамещение, производство, отрасль, программа, Саудовская Аравия

Abstract: The article discusses the experience of Saudi Arabia in deepening the localisation of production, including the development and support of local content in order to diversify the economy and promote the country's industry. It also compares the processes of localisation and procurement system in the Republic of Uzbekistan and Saudi Arabia

Keywords: localisation, import substitution, production, industry, programme, Saudi Arabia

Кириш

Иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга қарамлигини камайтириш мақсадида, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта

ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этиш учун маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодийнинг барча тармоқларида маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш зарур. Бу борадаги тараққиётнинг енг ёрқин ва муваффақиятли намуналаридан бири Саудия Арабистони бўлиб, у ўз иқтисодий фаол равишда қайта қурмоқда, нефт секторига қарамликни камайтирмоқда ва бизнес учун янги истиқболлар очмоқда. 2016 йилда Саудия Арабистони ўзининг «Vision 2030» номли ноёб иқтисодий ислохотлар режасини тақдим етди. Ушбу режа мамлакатни ижтимоий, маданий ва иқтисодий жиҳатдан ўзгартириш, уни минтақадаги тортишиш марказига айлантиришга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, мамлакат иқтисодийтида нефт бўлмаган секторнинг улуши бир йилда 8,7 фоизга ўсди. Иқтисодийнинг саноат, технология ва туризм каби ноэнергетик секторларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ўзлаштириш орқали аҳолининг турмуш даражасини ошириш ушбу стратегиянинг асосий йўналишларидан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Сўнгги йилларда илмий нашрларда тилга олинган «маҳаллийлаштириш» атамасининг турли маънолари мавжуд. А.М. Вазьянский ва С.Ю. Обиденнова ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш деганда, бир мамлакат ҳудудида дастлабки чет ел маҳсулотларини тайёрлаш жараёнини назарда тутадилар [1]. И.Д. Котляров маҳаллийлаштиришни хорижий компаниялар томонидан ушбу мамлакат ҳудудида ўз ишлаб чиқариш қувватларини шакллантиришни ифодаловчи мураккаб ҳодиса деб ҳисоблайди. Бунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар яқуний маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг муайян миқдордаги босқичларини (биттадан тўлиқ циклга) ўзлаштирадилар [2]. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёни бошқарув тизимини қўллаш соҳаси сифатида Й. Шумпетер инновацияларини типологлаштиришнинг асосий жиҳатлари билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар мантиғини: янги турдаги бойликлар ёки уларнинг янги сифатларини яратиш, ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва янги технологияларни жорий этиш, янги бозорларни ва хомашё манбаларини ўзлаштириш, ташкилий трансформация [3].

В.К. Акинфиевнинг фикрича, «ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш» атамаси ушбу мамлакат ҳудудига технологияларни ўтказиш, уларни мослаштириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришларда айрим бутловчи қисмлар ва қисмларни қисман ишлаб чиқарган ҳолда хорижий техника намуналарини йиғиш ишлаб чиқаришини ташкил этиш жараёнини англатади [4]. «Маҳаллийлаштириш» тушунчаси иқтисодий географияда қўлланиладиган «ишлаб чиқаришни жойлаштириш» тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, маҳаллийлаштириш ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг алоҳида ҳолатидир ва бир қатор фарқларга ега. Шу нуқтаи назардан, маҳаллийлаштириш моҳияти маҳаллий ёки хорижий корхоналар учун илгари мавжуд бўлган ёки янгидан ташкил этилган ишлаб чиқаришлар негизида маҳаллий корхоналар томонидан тайёрланган бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришга қаратилган.

Ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 август ПҚ-4812-

сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сонли “Республикада истеъмолни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари қабул килинди. Ушбу қарорларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ва номенклатурасини кенгайтириш, тармоқлараро кооперацияни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда қўшимча қўллаб-қувватлаш, шунингдек, рақобат муҳитини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва давлат харидлари тизимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириш белгиланган.

Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босишнинг асосий роли мамлакат ҳудудида янги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва ташкил етиш, маҳаллий ёки хорижий технологиялардан фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада технологик даражада кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини сақлаб қолиш ва яратишдан иборат.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда Саудия Арабистонининг «Vision 2030» номли, иқтисодий ислоҳ қилиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун турли соҳаларда корхоналар ташкил етиш ва бандликни таъминлаш лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган стратегияси бўйича эмпирик тадқиқотлар ҳамда назарий қарашлар ўрганилган. Тадқиқотда эмпирик ва назарий жиҳатдан таҳлил ва синтез, дедукция ва индукция, жадвал, график, кўрсаткичларни йўналишлар бўйича қиёсий таҳлил қилиш усулларида, шунингдек мавзуга оид маҳаллий ва хорижий олимлар ишларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Маҳаллийлаштириш деганда нафақат импорт ўрнини босиш, балки нархлари ва сифати бўйича рақобатбардош бўлган талаб юқори ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, экспортни кўпайтиришни ҳам тушуниш керак. Сўнги йилларда Ўзбекистонда импорт ўрнини босиш ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган, лекин нафақат ички бозорда, балки Марказий Осиё минтақаси ва МДХ бозорларида ҳам барқарор талабга ега бўлган товарлар ишлаб чиқаришни ташкил етиш сиёсати амалга оширилмоқда. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш учун хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва республикамизнинг талаб ва воқеликларига мослаштирган ҳолда уларнинг муваффақиятли амалиётларини интеграциялаш зарур. Қуйида икки давлатдаги маҳаллийлаштириш ҳамда давлат харидлари бўйича қисқача маълумот келтириб ўтилади.

1. Маҳаллийлаштириш тушунчаси ҳамда мувофиқлаштирувчи ташкилот. Саудияда маҳаллий контент тушунчаси кўп нарсаларни ўз ичига олган: маҳаллий маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш, маҳаллий аҳолини ишга жалб қилиш, активларни маҳаллийлаштириш ва бошқалар. Шунингдек, маҳаллий контент ва давлат харидлари бўйича алоҳида давлат ташкилоти мавжуд (Local content and government procurement authority – LCGPA). Мазкур ташкилот барча

тармоқларда амалга ошириладиган давлат харидлари ҳамда маҳаллий контентни назорат қилиш, ривожланиш бўйича янги таклифлар шакллантириш, қонун ҳужжатлари ва низомларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш бўйича доимий ишлар олиб боради.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллийлаштириш тушунчаси фақат маҳсулот ва хизматларни Республикада ишлаб чиқаришни назарда тутаяди. Давлат томонидан маҳаллийлаштириш ишларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига юклатилган. Вазирлик томонидан ҳар йил маҳаллийлаштириш давлат дастури шакллантирилади ҳамда назорат қилинади.

2. Маҳаллий корхоналарга бериладиган преференциялар.

Саудия Арабистонида маҳаллий корхоналарга турли преференциялар берилиши кўзда тутилган. Маҳаллий кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига тендер жараёнида – 10% (6,6 млн. АҚШ доллардан (25 млн САР) юқори бўлмаган харидлар) нарх преференциялари берилади. Шунингдек, давлат томонидан Мажбурий Рўйхат (Mandatory List) тасдиқланган. Унга кўра рўйхатдаги барча маҳсулот ва хизматларни четдан импорт қилиш тақиқланади. Мазкур Рўйхат мутасадди ташкилот (LCGPA) томонидан доимий равишда кенгайтириб борилади, ҳозирги кунда Рўйхат 1011 та маҳсулотни ўз ичига олган. Қолаверса, маҳаллий корхоналарни доимий назорат қилиш ҳамда уларга мотивация бериш мақсадида маҳаллий корхоналарни баҳолаш тизими жорий этилган. Тизимда корхонанинг ишлаб чиқариш параметрларидан келиб чиқиб маҳаллий контент даражаси, маҳаллий контент сертификати ҳамда биржадан рўйхатга ўтганлигига қараб балл берилади. Тендер жараёнларида баллик тизим бўйича таклифлар баҳоланади. Унга кўра тендерда нарх шакллантириш белгиланган формула бўйича ҳисобланади: $60\%(\text{нарх})+40\%(\text{маҳаллий корхоналарни баҳолаш тизими})$. Агар маҳаллий корхона тендерда ғолиб бўлган бўлса ҳам лекин маҳаллий контент даражаси белгиланган кўрсаткичдан паст бўлса, унга нисбатан жарималар қўлланилади.

Ўзбекистонда маҳаллий корхоналарни қўллаб қувватлаш мақсадида нарх преференцияларини бериш кўзда тутилган қарорлар мавжуд, ammo ҳозирги кунда маҳаллий корхоналар ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларига нарх преференциялари берилмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат харидларида импорт чекланган товарлар рўйхати мавжуд ва у 529 та маҳсулотни ўз ичига олган. Республикада мавжуд бўлган маҳаллий корхоналарни баҳолаш бўйича ҳеч қандай тизим мавжуд эмас. Тендер жараёнларида таклифлар асосан нархга қараб баҳоланади, энг кам нарх ғолиб бўлади. Маҳаллий корхоналарнинг маҳаллийлаштириш даражаси инобатга олинмайди.

3. Маҳаллийлаштириш лойиҳаларини аниқлаш.

Қиролликда ҳар бир лойиҳага зарур бўлган импорт маҳсулот ва хизматларни анализ қилган ҳолда Саудия Арабистондаги лойиҳаларга муҳим бўлган маҳсулот ва хизмат ва уларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашёлар рўйхати ҳамда уларни қайси соҳаларга ишлатилиши бўйича маълумот шакллантирилган. Шунга асосан маҳаллийлаштириш муҳим бўлган маҳсулотлар рўйхати тузилади. Маҳаллийлаштириш зарур бўлган маҳсулот ва хизматларни ўзлаштириш учун

маҳаллий корхонага кафолатланган харид таклиф этилади. Саудия Арабистонида мавжуд бўлмаган минералларни маҳаллий корхоналар эҳтиёжи учун доимий равишда етказиб бериш мақсадида алоҳида корхона ташкил этилган. Мазкур корхона дунё бўйлаб керакли минералларга шартномалар тузиб ички бозорга етказиб беради. Маҳсулот ва хизматларни маҳаллийлаштириш учун аниқ белгиланган механизм мавжуд. Мазкур механизмга кўра маҳаллийлаштириш 3 та фазага бўлинади. Шунингдек, барча маҳсулот ва хизматлар 3 та классификацияга бўлинади (маҳаллийлаштирилган, қисман маҳаллийлаштирилган, умуман маҳаллийлаштирилмаган).

Ўзбекистон Республикасида импорт қилинадиган маҳсулот ва хизматларни анализ қилган ҳолда маҳаллийлаштириш муҳим бўлган маҳсулот ва хизматлар рўйхати шакллантирилади. Кафолатланган харид бўйича маҳаллий корхоналарга шартнома берилмайди. Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлмаган минералларни маҳаллий корхоналар ўзлари олиб келишади. Ички бозорга доимий етказиб берадиган ягона корхона мавжуд эмас. Маҳсулот ва хизматлар маҳаллийлаштириш имкониятлари бўйича тоифаланмаган. Яъни, импорт қилинаётган маҳсулотларни қайсиларини маҳаллийлаштириш имкониятлари мавжудлиги ҳамда келажакдаги керак бўладиган ҳажми ўрганилмаган.

4. Маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш. Саудияда энергетик секторда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида маҳаллий корхоналарга преференция беришни назарда тутувчи давлат томонидан 11 та махсус инструментлар жорий этилган (активларга белгиланган субсидия, R&D субсидия, ишлаб чиқаришга йўналтирилган стимул, корпоратив солиқдан камайтириш, божхона божларини камайтириш, ҚҚС солиқ имтиёзи, кредитларга ёрдам, ойлик иш ҳаққига ёрдам, хорижий мутахассисларга виза олишига ёрдам, ижтимоий соҳалар учун ёрдам, аренда тўловига ёрдам).

Ўзбекистонда маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий корхоналарга преференция беришни назарда тутувчи механизмлар мавжуд эмас. Шунинг учун маҳаллий корхоналар маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга оширишга иштиёқлари кам.

5. Ички кучи (HR) сиёсати. Ички кучларини (HR) мувофиқлаштириш бўйича махсус фонд мавжуд. Ушбу фонд давлатдаги керакли бўлган ҳамда келажакда керакли бўлиши кутилатган соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича доимий ишлар олиб боради. Саудия Арабистонидаги корхоналарда Саудияликлар улушини кўпайтириш мақсадида давлат томонидан Саудлаштириш (Saudization) дастури жорий этилган. Унга кўра Саудияликлар улуши юқори бўлган корхоналарга давлат томонидан преференциялар берилади.

Ўзбекистонда мутахассисларни чет элда ўқитиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси ташкил этилган. Жамғарма ўзбекистонлик ёшларни хорижий давлатларда ўқитиш ва стажировка қилиш бўйича доимий ишлар олиб боради. Давлат томонидан корхоналарда ўзбек ишчиларини улушини ошириш бўйича ҳеч

қандай дастур мавжуд эмас. Халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида хорижий экспертлар ишга жалб қилинади.

Хулоса

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришдаги халқаро тажриба мамлакат иқтисодиёти тузилмасини ўзгартириш ва экспорт салоҳиятини оширишда ижобий тенденциялар мавжудлигидан далолат беради. Бугунги кунда Саудия Арабистони нефт даромадларига қарамлигини камайтириш, маҳаллий ишлаб чиқариш ва технологияларни фаол ривожлантириш устида иш олиб бормоқда. Давлат сиёсати мамлакатга диверсификацияланган ва барқарор иқтисодиётни барпо этиш бўйича ўз мақсадларига эришишга ёрдам берадиган ички ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган дастур ва ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватламоқда. Айнан ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш Қироликка нефтга қарамликни енгиш ва юқори қўшилган қийматли товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга ўтишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Schumpeter J. A. Theorie der wirtschaftlichen Entwicklung. Berlin: Duncker & Humblot; 1912. 548 p.
2. Вазьянский, А.М. Локализация производства как способ инновационного развития предприятия / А.М. Вазьянский, С.Б. Обыденнова // Сборник научных трудов НГТУ им. Р.Е. Алексеева. - 2014. - № 7. - С. 2.
3. Котляров, И.Д. Локализация производства как инструмент импортозамещения / И.Д. Котляров // ЭКО. — 2016. — № 8. — С. 128-140
4. Акинфиев, В.К. Выбор инвестиционных решений при трансфере западных технологий в отрасли транспортного машиностроения / В.К. Акинфиев // Управление большими системами. — 2014. — Вып. 48. - С. 151-171.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 август ПҚ-4812-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори
6. 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сонли “Республикада истеъмолни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори
7. Saudi Vision 2030 - Саудия Арабистони иқтисодий ислохотлари стратегияси ва мақсадларини тавсифловчи расмий ҳужжат
8. "Local Content and Government Procurement Program (LCGP)" - маҳаллийлаштириш ва харидлар бўйича давлат дастури тўғрисидаги ҳужжат.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

